

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИМОВА СЕВАРА БАХОДИРОВА

**ЎЗБЕК АҲОЛИСИДА СУРУНКАЛИ НCV-ИНФЕКЦИЯСИ
ПАТОГЕНЕЗИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИХАТЛАРИ ВА
КЕЧИШИНИ БАШОРАТЛАШДА УЛАРНИ БЎЛГАН ЎРНИ**

**14.00.16 –Нормал ва патологик физиология ва
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Азимова Севара Баходировна

Ўзбек аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг
молекуляр-генетик жиҳатлари ва кечишини башоратлашда уларни
бўлган ўрни 3

Азимова Севара Баходировна

Молекулярно-генетические аспекты патогенеза и их роль в
прогнозировании течения хронической HCV-инфекции в узбекской
популяции 25

Azimova Sevara Bakhodirovna

Molecular-genetic aspects of pathogenesis and their role in prediction of
chronic HCV-infection in uzbek population 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИМОВА СЕВАРА БАХОДИРОВА

**ЎЗБЕК АҲОЛИСИДА СУРУНКАЛИ НCV-ИНФЕКЦИЯСИ
ПАТОГЕНЕЗИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИХАТЛАРИ ВА
КЕЧИШИНИ БАШОРАТЛАШДА УЛАРНИ БЎЛГАН ЎРНИ**

**14.00.16 –Нормал ва патологик физиология ва
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib163 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академияда бажарилган.

Диссертацияси автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Каримов Хамид Якубович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зокирходжаев Шерзод Яъхяевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рустамова Мамлакат Тулабаевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саидов Саидамир Аброрович

тиббиёт фанлари доктори

Халиков Пулат Хужамкулович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ФДАОТТМ И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Сеченов Университети), (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел/факс:(+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик диссертацияси (DSc) билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават,7-хона. Тел/факс:(+99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. У. Ирискулов

Илмий даража берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда вирусли гепатит билан касалланиш кун сайин ортиб бормоқда. ЖССТ маълумотларига кўра 170 млн.дан ортиқ сурункали вирусли гепатит С (СВГС) билан касалланган беморлар мавжуд. Жигар сурункали касалликлари структурасида СВГС етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шарқий Европа, Осиё, Африка, Жанубий Америка давлатларида вирусли С гепатит билан зарарланиш юқори кўрсаткичларга эга. Ўзбекистон эса бу касаллик билан зарарланиш 6,2% ташкил қилди¹. HCV-инфекциянинг кенг тарқалганлиги, касалликнинг сурункали турлари ривожланиш даражаси юқори эканлиги, махсус чоратадбирнинг мавжуд эмаслиги, касаллик патогенезени ҳар томонлама чуқур ўрганилишини тақазо этади. Полиморф ген-маркерларини излаб топиш ва касаллик ривожланишида улар ассоциацияларини аниқлаш, генетик маркерлар қўлланилган ҳолда касалликни ташхислаш ва прогнозлаш стратегияларни ишлаб чиқиш, замонавий молекуляр патофизиологиянинг етакчи йуналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбек популяцияси ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги, сурункали вирусли С гепатитнинг Ўзбекистонда кечишининг ўзига хос хусусиятлари, касалликни истиқболлаш билан ассоциацияланган ва ген-номзодлар аллел вариантларини аниқлаш борасида изланишлар олиб бориш долзарблиги ва зарурлигини яққол номоён этади.

Жаҳонда аҳолининг турли қатламлари орасида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг жиҳатлари ва кечишини башоратлашдаги ўрнини ташхислаш ва самарали даволаш, унинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда; аҳолида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатлари ўрни ва аҳамиятини асослаш; касалликнинг кечишини башоратлашда сурункали HCV-инфекциясига организмнинг жавоб реакцияларни асослаш; пролиферация, апоптоз, функционал фаоллигининг ўзгаришига ташқи муҳит омилларининг таъсир механизмини аниқлаш; TNF- α , CTLA-4, шунингдек, P450 цитохромни CYP1A2, CYP2E1, CYP2C9*2, CYP2C9*3, CYP3A4 генлари генотипларининг сурункали вирусли гепатит С ва жигар циррози билан касалланган беморларда учрашини асослаш; уларни сурункали гепатит ва жигар циррози билан хасталанган беморларда биокимёвий маркерлар билан боғлиқлигини асослаш; сурункали гепатитларда генетик полиморфизми билан ассоциацияланган усулларни ишлаб чиқиш; сурункали С гепатит патогенетик аспектларни, P450 цитохром генлар полиморфизмининг аҳамиятини урганиш ва истиқболлаш механизмини ишлаб чиқиш; сурункали гепатит С ва жигар циррозли беморларда яллиғланиш жараёни жадаллиги ва генлараро ўзаро узвий боғлиқликни аниқлаш. Сурункали гепатитни молекуляр механизмларининг умумий ва специфик хусусиятларини мукамал ўрганиш асосларини яратиш сурункали гепатитни ривожланиш даражасини баҳолашда пролифератив ва антиоксидант тизим ферментлари фаоллигини объектив баҳолаш мезонини

¹ ЖССТ маълумотлари 2014 йил

ишлаб чиқишда имкон беради; сурункали гепатитни консерватив даволаш усулларини такомиллаштириш; сурункали гепатит даволашда кенг қамровли иммункорректорларни комплекс даволаш тизимига киритиш; сурункали гепатит касалликни даволаш тактикасини оптималлаштириб, асоратларини камайтириш ва самарадорлигини ошириш жараёнини тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда тиббиёт амалиётида сурункали юқумли гепатит касаллигини бартараф этиш учун қатор муҳим вазифалар бажарилди. А ва В гепатит касаллигини камайтириш ва олдини олиш мақсадида вакциналар ишлаб чиқилди ва жорий қилинди, бунинг оқибатида аҳолининг турли қатламлари орасида сурункали гепатит билан касалланиш ва жигар циррозини ташхислаш ва даволаш самарадорлиги ошишига олиб келинди. Клиник амалиётда кенг қамровли дастурий тадбирларни тадбиқ қилиш сурункали гепатитлар ва жигар циррозини эрта аниқлаш, ташхислашда замонавий усулларни қўллаш натижасида касаллик асоратлари 25% дан 12% гача камайганлиги аниқланди. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига «...мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, турли даражадаги юқумли гепатит касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш»² аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Жигар касалликлари патогенетик аспекти ва касалликларни ташхислаш,

²2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

³ www.universityofcalifornia.edu, keck.usc.edu, www.ou.edu, www.niddk.nih.gov, www.cu.edu.eg, www.unige.it, www.utu.fi, www.vub.ac.be, www.unime.it, www.ucdenver.edu, www.sgpqi.ac.in, www.ucl.ac.uk, www.otago.ac.nz, www.usask.ca, www.ibis-sevilla.es, isim.ku.dk, www.it-chiba.ac.jp, en.uniroma1.it, www.gla.ac.uk, www.ntuh.gov.tw, www.tzuchi.com.tw, www.gsia.sums.ac.ir, www.unibe.ch, http://www.pitt.edu, www.tma.uz ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

олидини олишдаги чора-тадбирларни такомиллаштиришдаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Research Center for Liver Diseases; Infectious Diseases Society of America; American Association for the Study of Liver Diseases; National Center for Emerging and Zoonotic Infectious Diseases; University of California; University of Oklahoma; National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases; University of Colorado Denver (АҚШ), Institute for Liver and Digestive Health, University College London (Буюк Британия), European Association for the Study of the Liver (Германия); International Liver Cancer Association (Бельгия); Instituto de Biomedicina de Sevilla (Испания), University of Genoa (Италия), University of Messina (Италия), Institute of Gastroenterology, Nutrition and Liver Diseases (Исроил); University of Saskatchewan (Канада), Turku University (Туркия), University of Otago (Янги Зеландия), Vrije Universiteit Brussel (Белгия), Cairo University (Миср), Sanjay Gandhi Postgraduate Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон), University of Medical Sciences (Эрон), Department of Internal Medicine (Тайван), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жигар касалликларини олдини олиш, касалликларни ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларни амалиётга тадбиқ қилиш натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: аҳолининг турли қатламлари орасида вирусли гепатитнинг механизмлари ва тарқалиш сабаблари, олдини олишнинг замонавий усуллари аниқланган (Division of Gastroenterology and Hepatology, University of Colorado Health Sciences Center; Department of Medicine, University of Florida, Department of Clinical Medicine University of California, (АҚШ)); сурункали С гепатитнинг генлар полиморфизми асосида клиник кечиш жараёнининг янги генетик маркерлари ишлаб чиқилди (Department of Internal Medicine (Тайван); University of Medical Sciences (Эрон); Instituto de Biomedicina de Sevilla (Испания)); буйрак трансплантациясидан кейин сурункали вирусли С гепатитнинг зарарланиш ва унинг асоратлари даволашда вирусларга қарши полимераза реакциясининг ўрни исботланган (University of Genoa (Италия)); ошқозон ости беши фаолиятининг бузилиши натижасида С гепатит билан зарарланиш, цитокинлар экспрессиясининг ўзгариш, инсулин миқдорининг камайишига олиб келиши асосланган (University of Otago (Янги Зеландия)); сурункали вирусли С гепатит эпидемияси билан зарарланишни олдини олишга қаратилган антивирусли даволаш тизими ишлаб чиқилган (University of Saskatchewan (Канада)); протеин-конвертаза субтилизин кексин 9 ингибиторининг липидлар алмашинувининг бошқариш натижасида вирусли С гепатитининг олдини олиш механизми очиб берилган (University of Colorado Denver (АҚШ)); аста секинлик билан спиртли ичимликларни чеклаш натижасида С гепатитнинг тарқалишини олдини олиши асосланган (University of Oklahoma (АҚШ)); вирусли гепатит С тури билан хасталанган беморларда кўриш тизимининг пасайиши ва кўз склерасидаги ўзгаришларнинг келиб чиқиши исботланган (Turku University, (Туркия)); пестицидларнинг қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилиши натижасида атроф-муҳит объектларнинг ифлосланиши турли даражадаги

гепатитларнинг, шунингдек, С гепатитнинг ривожланишига шароит яратилиши исботланган (Биринчи Москва тиббиёт Университети (Россия Федерацияси)); ўзбек аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик усуллар асосида сурункали С гепатитнинг патогенетик механизмлари исботланган (Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)).

Дунёда турли этник гуруҳлар аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатларини асосида ташхислаш ва даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик механизмларини ишлаб чиқиш; сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатларини асосида асоратларни камайтиришга қаратилган оптимал ташхислаш моделини ишлаб чиқиш; касаллик ривожланишида экологик омилларнинг этиопатогенетик туган ўрни асослаш; сурункали гепатитларда иммуноцитокин статус ҳолатини баҳолаш усулларни ишлаб чиқиш; жигар касалликларини янги генетик маркерларини аниқлаш; касалликни ташхислашнинг замонавий компьютер технологиялари усулларини ишлаб чиқиш; вирусга қарши терапиянинг патогенетик асосланган ёндошишларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда жаҳонда сурункали вирусли С гепатит аста-секин ривожланадиган жигар циррози ва гепатоцеллюляр карциномага олиб келувчи латент жигар яллиғланишидир (Bosch F.X. et al., 2005). HCV-инфекция билан ўткир зарарланиш натижасида 85%, жараённинг сурункали тус олиши ва фақатгина 15% да беморларнинг тўлиқ тузалиб кетиши мумкинлиги кузатилган (Berkes J. et al., 2005; Онищенко Г.Г ва бошқ. 2003; Игнатова Т.М., 2005; Abbas Z. et al., 2005). Қатор изланишлар, сурункали вирусли С гепатитда генетик асослар ва уларни касаллик патогенезида асосий ўрнини ёритишга йўналтирилган. Жигар вирусли касалликлар генезида яллиғланишга қарши цитокинлар (TNF- α) ва цитотоксик Т-лимфоцитларнинг (CTLA-4) муҳим аҳамиятини кўрсатиб берувчи далиллар оз эмас (Alizadeh M. A et al., 2006; М.Н.Алленов ва бошқ., 2006; Лазарева А. С ва бошқ., 2006; Yu M. L. et al., 2003; Goyal A. et al., 2004). Сурункали вирусли С гепатит ривожланишида TNF- α цитокинлар 308G>A ген полиморфизми ассоциациясининг ўта кучли фиброз ёки жигар циррози билан ўзаро узвий боғлиқлигини аниқлашга бағишланган тадқиқотлар бири-бирига зид бўлган далилларни кўрсатади. Баъзи тадқиқотлар бу цитокин полиморфизмининг жигар сурункали касалликлари ривожланишида таъсирини асосий ҳисобласа, бошқалар буни инкор этадилар (Tokushige K., 2003; Yu M. L., 2003). CTLA-4 генининг турли патологияларга бўлган таъсири чуқур ўрганилмоқда. CTLA-4 гени Т-лимфоцитлар фаолигини мувозанатлашда иштирок этади, бу хўжайралар таъсирида аутоиммун жараёнларни шакллантиради (Cough S. C. et al., 2005; Hodi F. S., 2007; Nomann D., 2006). Касалликни ривожланишида вирусологик омиллар эмас, балки, макроорганизмнинг умумий ҳолатига кўпроқ боғлиқлиги аниқланган (Алиева В. Ш. и соавт., 2010; Chistiakov D. A. et al., 2006; Jones G. et al., 2006;

Yee L. J. et al., 2003). Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотларда вирусга қарши терапияни асоратларни башоратлашда генетик маркерлар сифатида IFNL3 IFNL4 генларни полиморфизми таъсири келиши (Секлер Д.Э ва бошқ., 2014).

Адабиётлардан олинган маълумотлар P450 цитохром гени мутант вариантлари патологиялар вужудга келиши кўрсаткичларига таъсир этишидан далолат беради (Булгакова И. В. ва бошқ., 2013; Середина Т.А. ва бошқ., 2008; Pilotto A. et al., 2007; Ахмадишина Л. З., 2007). Метаболик жараёнларни фаоллаштирувчи, цитохром P450 иштирокида борувчи оксидланиш жараёнининг ферментлар синтезига маъсул бўлган генлар полиморфизми таъсирида кечиши амалиётда муҳим ўрин эгаллайди (Лисица А. В., 2007; Пустыльник В. О. ва бошқ., 2008). Ксенобиотик метаболизмини кодловчи ферментлари P450 цитохром изофермент генларининг вирусли юқумли С гепатит чақириши ва сурункали жигар касалликларининг кечиши, даволашга таъсири адабиётларда ёритиб берилган (Коротчаева Ю. В., 2008; Ahmad F. et al., 2011; Петров В. И. ва бошқ., 2010; Gochee P.A. et al., 2003). P450 цитохром изоферментлар, CYP1A2, CYP2E1, CYP2C9 ва CYP3A4 генлари жигарда дори-дармонларнинг метаболизмида етакчи ўрин эгаллайди. Жигар патологиялари аниқлаш усулларни амалиётга тадбиқ этишда генетик омилларни тутган ўрни, хусусан CTLA-4, TNF- α ва P450 цитохромни изоферментларнинг мавқеини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Ташхислаш, даволаш ва касалликни олдини олиш замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» (01.1100158) мавзуси доирасида ва ФЁСС-1 «Сурункали гепатитларда цитохром P-450 генлари полиморфизмининг солиштирма тахлили» грант асосида бажарилган (2009-2011 йй.).

Тадқиқот мақсади сурункали вирусли С гепатитни цитокинлар ва ксенобиотиклар биотрансформацияси учун маъсул генлар полиморфизмининг прогностик аҳамиятини ўрганган ҳолда, ўзбек популяцияси номоёндаларида клиник кечишининг молекуляр механизмларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

TNF- α , CTLA-4, шунингдек, P450 цитохромининг CYP1A2, CYP2E1, CYP2C9*2, CYP2C9*3, CYP3A4 аллеллар ва генотипларининг сурункали вирусли гепатит С ва жигар циррози билан касалланган беморларда учраши кўрсаткичларини ўрганиш;

сурункали гепатит С ва цирроз билан касалланган беморларда жигар функционал фаолиятини белгиловчи кўрсаткичларининг TNF- α , CTLA-4 ва P450 цитохроми CYP1A2, CYP2E1, CYP2C9 и CYP3A4 генетик полиморфизми билан ассоциацияланган параллелларини ва уларни касалликни патогенезидаги ўрнини аниқлаш;

сурункали гепатит С ва жигар циррози патогенетик аспектларининг цитокинлар ва ксенобиотиклар биотрансформацияси учун маъсул генлар полиморфизмининг прогностик аҳамиятини ўрганиб чиқиш;

сурункали гепатит С ва жигар циррози билан касалланган беморларда яллиғланиш жараёни жадаллиги ва генлараро ўзаро узвий боғлиқликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сурункали вирусли С гепатитли ва жигар циррози бор беморлар ҳамда ДНК намуналари олинган соғлом донорлар олинган. ЎзРСС Вирусология илмий текшириш институти диспансер назоратида бўлган 22 ёшдан 81 ёшгача бўлган 107 нафар бемор асосий гуруҳда ва назорат гуруҳини 81 нафар жигарида сурункали жараёнлар қайт этилмаганган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети клиник-биокимиёвий таҳлилнинг асосий миқдорий кўрсаткичлари, цитокин ва генетик статусни аниқлаш учун вена қон томиридан олинган веноз қон.

Тадқиқотнинг усуллари: тадқиқот вазифаларни амалага оширишда клиник, биокимиёвий, генетик, иммунологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали С гепатит ва жигар циррози бўлган беморларда 308G>A TNF- α , 49A>G CTLA-4 ҳамда 164A>C CYP1A2, 9896C>G CYP2E1, 430C>T CYP2C9*2, 1075A>C CYP2C9*3 ва 392A>G CYP3A4 генетик полиморфизми кенг камровли тадқиқотда асосланган ва касаллик патогенезида уларни ўрни аниқланган;

ўзбек миллатига мансуб кишилар орасида P450 цитохромнинг изоферментлари ва цитокин генотиплари ва аллеллари тарқалиши, ҳамда соғлом кишиларга нисбатан тарқалганлигидаги фарқ хусусиятлари исботланган;

сурункали С гепатитнинг кечишини ифодалаб берувчи цитолиз, холестаза ва мезенхимал яллиғланиш синдромлар кўрсаткичларнинг ўрганилаётган генлар полиморфизми билан ўзаро узвий боғлиқлиги исботланган;

сурункали вирусли С гепатитнинг жигар циррозига айланишида цитокинлар ва ксенобиотиклар биотрансформацияси учун маъсул генлар полиморф вариантлари ассоциациясининг эгаллаган ўрни кўрсатиб берилган, буни эса ўз навбатида, СВГС касалланган кишиларда оғир ривожланиб кечишига бўлган хавф гуруҳлар ажратиш истиқболлаш критерийларини ишлаб чиқишда қўллаш мумкин. СВГС кечиши ва жигар циррози ривожланиши хавфини баҳолаб берувчи генетик профилни аниқлаб бериш, беморларни даволаш тактикасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Аниқланган ассоциациялар СВГС ривожланиши патогенетик механизмлари тушунча доирасини кенгайтирган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

TNF- α , CTLA-4, CYP1A2, CYP2E1 генлар полиморфизми СВГС клиник кечишини асоратларини ривожланишида прогностик аҳамияти аниқланди.

Мутант аллел «А» ни ва TNF- α A/A генотипи ташувчилик, ўрта фаолликдаги СВГС ривожланишида, бу геннинг патогенетик ўрни ва уни фиброгенезни аниқлашда қўшимча критерий сифатида қўллашга, касаллик кечишини индивидуал баҳолаш ва даволаш режасини персонал равишда танлаб олишга имкон яратади.

CTLA-4 гени полиморфизмининг юқори сезувчанлиги ва уларнинг генлараро бирикканлиги СВГСни аниқлашда яхши маркер ҳисобланиб, жигар паренхимаси шикастланишини камайтиришга олиб келади, даволаш жарёнларини мувофиқлаштириш мақсадида хавф гуруҳларини белгилаб олишга ёрдам беради, СВГС жигар фибрози даражасини баҳолаб берувчи билвосита информатив критерий ҳисобланади, шуниндек бемор турмуш сифатини яхшилайти ва ҳаётини давомийлигини узайтиради.

Мутант «G» аллели ва CYP2E1 гени C/G генотипини ташувчиликни патологик фиброгенез юқори хавфи ва жигар фибрози ривожланиши фактори сифатида қараш мумкин, шундай қилиб касаллик истиқболини белгилаб беради ва СВГСларни даволашда антифиброз стратегияни ишлаб чиқишга асос бўла олади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик текшириш усуллари ёрдамида олиб борилганлиги; ўзбек аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатлари ва кечишини самарали башоратлаш, касалликнинг ўзига хос кечишини баҳолашда турли усулларни қўлланилганлиги, ҳулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки ўзбек миллатига мансуб кишиларда сурункали вирусли С гепатитнинг кечиши патогенетик механизмларини ўрганиш билан боғлиқ. Сурункали вирусли С гепатитнинг клиник кечиши ва жигар циррози ривожланиш хавфи билан ассоциацияланган аниқланган молекуляр-генетик маркерлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни олиб бориш ва сурункали гепатит оғир кечадиган вариантларини ривожланишига мойил бўлган кишиларни, цирроз каби касалликнинг аниқлашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида, касалликнинг оғир турларини олдини олиш, яллиғланиш жараёнини фаоллигини сусайтириш, гепатоцит хужайраларни шикастланиши ва емирилиши, уларни фиброз компонентлар билан алмашинишини олдини олишга қаратилган превентив даволаш усулларини ишлаб чиқиш, мослашган терапияни СВГС беморларни даволашда қўллашни тақозо этади. Генлар полиморфизми кўрсаткичларини сурункали вирусли С гепатитнинг кечиш мезони сифатида фойдаланиш патогенетик асослаб берилганлиги билан изоҳланади. Сурункали HCV-инфекция патогенезининг аниқланган хусусиятлари янги диагностика усулларини яратиш ва такомиллаштириш, шуниндек, шахсийлаштирилган даволаш усулларини патогенетик асосда ривожлантириш учун асос булиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти TNF- α , CTLA-4, ҳамда, P450 цитохромнинг CYP1A2, CYP2E1, CYP2C9, CYP3A4 полиморф маркерларининг аллел вариантлари аниқлаш сурункали гепатит кечишини истиқболли ташхислаш усулларини ишлаб чиқаришга кўмаклашади, бу эса,

беморларни тўғри даволаш ва иқтисодий жихатдан кам харажат тактикасини қўллашга ва беморлар турмуш сифатини яхшилашга қаратилади.

Турли омиллар таъсирида сурункали вирусли гепатит С молекуляр-патогенетик кечиши механизмларини истиқболи алгоритми модели таклиф этилган. Ўтказилган тадқиқотлар нафақат патогенез механизмини тушиниш, балки, касалликни оғир турларини ривожланишига мойил бўлган хавф гуруҳини танлаб олишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатлари ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбек популяциясида вирусли С гепатит патогенетик ривожланишида генетик омилларнинг ўрни» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги 8н-д/55-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек миллатига мансуб шахсларда вирусли С гепатит хар хил кечишини ташхислаш патогенетик механизмларини аниқлашда TNF- α , CTLA-4 ҳамда P450 цитохромнинг CYP1A2, CYP2E1, CYP2C9, CYP3A4 генлар биокимёвий маркерлар билан боғлиқлиги орқали имкон беради;

Ўзбек аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатлари ва кечишини башоратлашдаги ўрнини бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот лабораториясига, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси ҳамда Гематология ва қон қуйиш институти клиникаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 15 декабрдаги 8н-з/55-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқотларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши ўзбек аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатлари асосида даволашга индивидуал ёндошишдаги амалий тавсияларнинг жорий этилиши беморнинг турмуш сифатини оширади, дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини камайтиради, асоратларни олдини олиш хисобидан давлат бюджети сарф харажатларини 47,2% камайишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, шундан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, ҳамда 10 та тезис нашр этилган. Шунингдек, тадқиқотнинг натижалари шифокорлар учун методик тавсияларга киритилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида мушоҳада қилинган адабиётларнинг манбалари келтирилган, бунда СВГС эпидемиологияси ва клиник кечиши ҳақида маълумотлар кенг ёритилган. Сурункали вирусли гепатит Снинг долзарб муаммолари ўз аксини топган, касалликнинг аҳамиятга эга бўлган тиббий-ижтимоий қирралари, СВГС патогенетик аспекти кўрсатилиб берилган. Ҳамда, жигар патологияларини ривожланишида ўрганилаётган генларнинг генетик полиморфизми эгаллаган ўрни тахлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали HCV-инфекцияси ташхислаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этишда қўлланилган тадқиқот объектлари, усул ва методологик ёндошувларга таъриф берилган.

Сурункали вирусли гепатит С ташхиси, комплекс олиб борилган клиник-лаборатор ва инструментал текширувлар натижалари билан асосланади. Тадқиқотлар ўтказиш учун муҳим бўлган критерийлар қуйидагилардан иборат:

1) ташхиснинг касалликни фаоллиги даражасини белгиловчи клиник-биокимёвий верификацияси (анамнез, шикоятлар, АЛТ, АСТ аниқлаш, де Ритис коэффициенти, умумий билирубин, тимол синамалар, альбумин, гаммаглутаматтрансфераза миқдори, ультратовуш текшируви олиб бориш);

2) ташхиснинг этиологик верификацияси беморлар қонида РНК HCV (Hepatitis C virus) миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш, С вирусини генотипини аниқлаш полимераз занжир реакция усули (ПЗР) RotorGene 6000 (фирма тўплами «Интерлабсервис», Россия) ускунасида олиб борилди.

Биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш (АСТ, АЛТ, умумий билирубин, ишқорий фосфатаза, альбумин, ГГТ) ярим автомат биокимёвий анализаторида ВА 88 (Mindray, Китай) «Human» синама-тизимини қўллаган ҳолда ўтказилди. Тимолли синамалар ООО «Агат-Мед» спектрофотометрида реактивлар тўплами ёрдамида, ишлаб чиқарувчининг кўрсатмалари асосида ўтказилди. Де Ритис коэффициенти АСТ/АЛТ нисбати билан аниқланди.

Биоматериаллар (ДНК) молекуляр-генетик текширувлари Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти базасининг «Молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялари» бўлимида бажарилган (Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Каримов Х. Я.).

Изданишнинг молекуляр-генетик қисми қуйидаги босқичлардан иборат бўлди: қон олиш; периферик қоннинг лимфоцитларидан ДНК ни ажратиб олиш; ПЗР ўтказиш; электрофорез ўтказиш ва натижаларни визуал текшириш.

Генетик полиморфизм тахлили полимераз занжир реакция ДНК синтези усулида локус специфик олигонуклеотид праймеровэндонуклеаз ва Tag-полимеразаларни қўллаб олиб борилади. Олигопраймерлар тизимини такомиллаштириш «Applied Biosystems» (США) ва «Corbett Research», (Quagen, Германия) фирмаларининг дастурлаштирилган термоциклерларида ўтка-зилди. Реактив буфер таркиби тажриба йўли билан аниқланди ва ПЗР ўтказиш шароитлари такомиллаштирилди. Қолган компонентларни тўплаш, хусусан, нуклеин кислоталарни ажратиб олиш учун ишлатиладиган реагентлар дунё миқёсидаги молекуляр биология соҳасида фаолият юритаётган етакчи ишлаб чиқарувчилардан («Serva», «Sigma» ва бошқалар), Россия (ООО Синтол, ООО Интерлабсервис, НПФ «Литех», ДНК-технология, Сибэнзим ва бошқалар) харид қилинди. Амплификация ва рестрикция моддалар детекцияси 2% агарозонли гелда электрофорез усули билан олиб борилди.

Олинган натижаларни баҳолаш «OpenEpi 2009, Version 2.3» статистик дастур тўпламини қўллаган ҳолда олиб борилди. Ўрганилган ДНК полиморфизми генотипларининг каноник тақсимланишдан Харди-Вайнберга чекланиши «GenePop» («Genetics of Population») (<http://wbiomed.curtin.edu.au/generpop>) компьютер дастури генетик кўрсаткичлари тахлили ёрдамида аниқланди. Корреляцион тахлилини Спирмен корелляция коэффициенти (r) орқали ҳисобланди (<http://medstatistic.ru/calculators/calcspirmen.html>) ($p < 0,05$).

Алел вариантлар ва генотиплар частотаси (f) тенглама бўйича ҳисобланди:

$$f = \frac{n}{2N} \text{ ва } f = \frac{n}{N}$$

бу ерда, n – вариантлар кузатилиши (аллел ёки генотипларнинг), N – ажратиб олиниш ҳажми.

Алеллар частотасини баҳолаш қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланди:

$$p = \frac{2N_1 + N_2}{2N}, \quad q = \frac{2N_3 + N_2}{2N}$$

бу ерда p – А аллел частотаси, q – аллел частотаси, N – ажратилиб олинган умумий ҳажми $N = N_1 + N_2 + N_3$, где N_1, N_2, N_3 – генотиплар сони.

«Имкониятлар нисбати» (OR – odds ratio) коэффициенти билан 95 %ли ишончлилик интервали (CI – confidence interval), χ^2 ва p кўрсаткичларни ҳисоблаш учун «OpenEpi 2009, Version 2.3» статистик программалар тўпаламидан фойдаланилди.

Қасаллик натижаси аллеллар ёки генотиплар билан ассоциацияси ҳақида имкониятлар нисбати катталиги билан ўлчанади (OR).

OR қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$OR = ad/bc;$$

Бу ерда a – беморларда текширилаётган аллел частотаси; b – назорат ажратиб олинганлар аллеллари частотаси; c ва d – бемор ва назоратда қолган

аллеллар суммар частотаси мос равишда. $OR = 1$ кўрсаткичи ассоциация йўқлигидан далолат беради, $OR > 1$ - мусбат ассоциацияни кўрсатади («юқори хавф кўрсаткичи») ва $OR < 1$ - манфий ассоциация («паст хавф кўрсаткичи»). Ишончли интервал (CI) 5% босқич статистик кўрсаткич.

Нисбий чекланиш кутилаётган гетерозиготлик (D) М. Nei (1987) тенгламаси билан ҳисобланди:

$$D = \frac{h_{abs} - h_{exp}}{h_{exp}}$$

Бу ерда h_{abs} и h_{exp} – кузатилаётган ва кутилаётган гетерозиготлик, мос равишда.

Ўрганилган генетик маркерлар истиқболлаш самарадорлиги (AUC-классификатор) стандарт тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$AUC = \frac{Se + Sp}{2}$$


Бу ерда, Se ва Sp – генетик маркерлар сезувчалиги ва спецификлиги, мос равишда. Агар кўрсаткичлар $AUC < 0.5$ бўлса, маркер – тасодиқий классификатор; $AUC = 0,5-0,6$ – ёмон; $AUC = 0,6-0,7$ – ўрта; $AUC = 0,7-0,8$ – яхши; $AUC > 0,8$ – аъло классификатор.

Диссертациянинг «**Сурункали вирусли гепатит С беморларнинг клиник таърифи**» деб номланган учинчи бобида беморларни клиник-лаборатор текширувлари бемор шикоятлари, анамнестик далиллар, физикал кўрик, жигар функционал ҳолатини баҳоловчи қоннинг биокимёвий тахлили кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Текширувлар олиб борилганлар ичида 58 нафарини аёллар (54,2%) ва 49 нафарини эракаклар (45,8%) ташкил этади.

Жигар шикастланиши клиник белгилари кўп ҳолларда тез-тез чарчаб қолиш, холсизлик, сержаҳллик каби астеник симптомлар (86,9%) билан намоён бўлди. Диспепсия (73,8%) ва оғриқ (60,7%) симптомлари, гепатомегалия (88,8%), спленомегалия (41,1%), асцит (34,6%), тери қичимаси ҳам кузатилди (26,2%).

Текширувдан ўтказилган беморлар орасида HCV генотиби аниқланди. Тарқалаганлик кўрсаткичи тахлили 1в генотиби кўп учрашини кўрсатди ва бу кўрсаткич 72,9% ташкил этди. Генотип 3а 23,4% беморларда аниқланди. Генотип 2 бошқа генотипларга нисбатан камроқ учради ва 3,7% тенг бўлди (1-расм).



1-расм. HCV генотипларни тақсимланиши

Молекуляр эпидемиологик тадқиқотлар вирус генотиби тақсимланиши орасидаги фарқнинг аҳамиятга эгаллигини кўрсатиб берди. Ўрганилаётган биохимик кўрсаткичлар С вируси генотиби орасидаги ўзаро боғлиқлик гуруҳларда таҳлил қилинди. Биохимий кўрсаткичлар динамикаси гепатит С вируси генотиби ҳар хиллигига боғлиқ бўлди. СВГС турли даража оғирликда клиник кечиши ва вирусли гепатит С генотиби ассоциацияси биохимик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди. Касалликни асосий клиник белгилари холестатик, цитологик ва бошқа характерли синдромларда номоён бўлади.

Кичик гуруҳларда жигар функционал фаолиятини кўрсаткичлар билан С вируси генотиплари орасидаги боғлиқлик таҳлил қилинди. Биринчи кичик гуруҳда гепатит С вирусининг 1в генотиби ташувчи беморларида биохимий таҳлил кўрсаткичларидаги ўзгаришлар кўпроқ номоён бўлди, хусусан, АСТ, АЛТ, билирубин. Касалликни циррозга ўтиб борган гуруҳида клиник-биохимик кўрсаткичлар 3а генотип ташувчи беморларда ажралиб турди. 2 генотип аниқланган жигар циррози билан касалланган беморларда биохимик кўрсаткичлар юқори бўлди.

Юқорида келтирилган маълумотларни мужассамлаб, шундай, молекуляр эпидемиологик тадқиқотлар вирус генотиплари тақсимланиши кўрсаткичларида бирмунча фарқ бор деб хулоса қилиш мумкинлигини кўрсатиб берди. Жигар сурункали патологияли беморларда С вирусининг 1в генотиби устунлик қилди. Бундан ташқари, СВГС турли оғирлик даражасининг клиник кечишида С вирус генотиби биохимик кўрсаткичлар билан ассоциацияланиши кузатилди. Асосий клиник белгилар холестатик, цитолитик синдромлар билан яққол ажралиб турди.

Диссертациянинг «**Сурункали вирусли гепатит С ли беморларда аллеллар ва CTLA-4, TNF- α , CYP2E1, CYP2C9, CYP3A4, CYP1A2 генлар генотиплари тақсимланиши хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида бизнинг олиб борган тадқиқотларимиз натижалари ўрта фоал СВГС ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган генетик омиллар, А аллели полиморф варианты TNF- α (G308A) – гени гетеро- ва гомозигот генотипларида; G аллели ва G/G генотиби CYP2E1 (C9896G) генининг полиморф варианты; С аллели ва А/С генотиби CYP2C9*3 генининг полиморф варианты; G аллели ва А/G генотиби CYP3A4 (A392G) генининг полиморф варианты; С аллели ва Т/С генотиби CYP1A2 (A164C) генининг полиморф варианты.

СВГС фаоллашиши билан TNF- α (G308A), CYP2C9*2, CYP2C9*3 ген вариантлари минор аллеллари полиморф геномлари пасаяди, худди шундай, CTLA-4 (A49G), CYP3A4 (A392G) ва CYP1A2 (A164C) ҳолларда ҳам. Кўрсатилган полиморф геномлар минор аллеллари СВГС енгил кечиши билан ассоцияланади. Бизнинг тадқиқотларимизда CYP2E1 (C9896G) полиморф генининг минор аллели ва С/G генотипини ташувчилик патологик жараённинг фаоллашиши билан боғлиқ бўлган.

СВГС урта фаолли гуруҳда полиморфизмнинг энг юқори даражаси CTLA-4 (A/G) ген учун хос эди. Жигар циррозда CYP3A4 (A/G) гени полиморфизмнинг энг паст даражаси аниқланди.

CYP2C9*2 (C430T), CYP2C9*3 (A1075C) и CYP1A2 (A164C) генлар полиморф варианты гепатоцитларни фиброз тўқима билан алмашилиши ва циррозни ривожланиши генетик факторлари ҳисобланади. Бунда, TNF- α (G308A), CYP2E1 (C9896G), CYP3A4 (A392G) генларнинг полиморф вариантлари минор аллелларини ташувчилик, жигарни фиброз шикастланиши ва касалликнинг цирроз босқичига ўтишига монелик қилади.

Шундай қилиб, олинган натижалар ўрганилган полиморфларнинг аллел вариантлари частотаси, вирусли инфекция натижасида ривожланган СВГС ва жигар патологик жараёнлари турли даражаси фаоллиги ижобий ва салбий кечишида бир-биридан анча фарқ қилади. Юқорида келтирилган далиллар, бизга ўрганилган цитокинлар ва метоболизм ферментларининг ишлаб чиқарилиши регуляциясини издан чиқиши ва биотрансформацияси СВГС патогенези ва касаллик кечишига ўз таъсирини кўрсатишини асослаб берди.

Тадқиқотлардан олинган натижаларни таҳлил қилиш молекуляр-генетик ва патофизиологик асослар инициацияси, жигардаги яллиғланиш ва фиброз жараёнлар фаоллиги СВГС ривожланиши патогенетик механизмини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. TNF- α яллиғланиш жараёнлари, иммун жавобни стимуляциловчи ва мувозанатловчи яллиғланиш цитокинлар гуруҳига мансуб. TNF- α гени генотиби полиморфлиги тақсимланиши тадқиқот олиб борилаётган гуруҳлар ичидаги биринчи кичик гуруҳда А/А мутант генотиплар кўпроқ частотаси ва G/G ёввойи генотиплар камроқ частотаси билан ифодаланди. Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларида TNF- α полиморф генини А мутант аллеллари ташувчилик сурункали вирусли гепатит С ўрта фаоллиги билан ассоцияланади ва жигарда яллиғланиш жараёни ва фиброз ҳосил бўлишини интенсификациясини ифодалайди (1-жадвал).

СВГСда жигар структур-функционал бузилишининг жадалланишини ривожланиш тезлиги кўпинча беморларнинг иммун ҳолатига боғлиқ. CTLA-4 полиморф генининг мутант аллелини ташувчилик оқсилларнинг функционал фаолиятини сусайишига боғлиқ, «G» аллели функционал реализацияси Т-хужайралар пролиферацияси устидан назоратни сусайишида ифодаланади. CTLA-4 генининг генетик деффектида, рецепторлар фаоллигининг издан чиқиши CD4⁺ Т-лимфоцитлар нерегуляр равишда ажралиши ва аутоиммун жараёнлар ривожланишига олиб келади. Жигарда CTLA-4 нинг функционал активлигини сусайиши оқибатида шикастланган аъзонинг лимфоцитлар билан инфильтрацияланиши яллиғланиш жараёнининг интенсификациясини, гепатоцитлар нобуд бўлиши ва фиброз тўқима билан алмашилиши кузатилади. CTLA-4 мутант генотиби тақсимланиши СВГС ўрта фаоллиги кичик гуруҳларидаги беморларда кўпроқ намоён бўлади, бироқ, айнан шундай полиморфизм назорат гуруҳи кўрсаткичларда ҳам кузатилган.

CYP2E1 гени аллеллари ва геномлари тақсимланиши ўрганиб чиқилганда, C/C гомозигот генотиби учинчи кичик гуруҳда кенг тарқалганлиги кузатилади, C/C гетерозигот генотип кўрсаткичлари иккинчи гуруҳда бошқа гуруҳларга нисбатан кўпроқ эканлиги таъкидланди. G мутант аллел частотаси кўплиги ва CYP2E1 (C9896G) полиморф гени, G/G генотиби CYP2E1 (C9896G) полиморф гени, ксантабиотиклар метоболизми юқори

даражада жадаллиги билан боғлиқ бўлган СВГС, бизнинг тадқиқотларимизда ўрта даражада фаол бўлган беморларда кузатилди. Келтирилган далиллар бошқа изланувчиларнинг кўрсаткичлари билан тасдиқланади ва G минор аллелининг жигарда ПОЛ маҳсулотлари ҳосил бўлишининг ортиши билан кечадиган биотрансформация жадаллашиши, юлдузсимон хужайралар фаоллиги кучайиши ва коллаген ишлаб чиқилиши муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараёнларнинг интенсификацияси CYP2E1 генотиби варианти билан ифодаланади, демакки, жигарда яллиғланиш жараёнларининг жадал ривожланиши ва бир меъёрда туриши, СВГС жадаллашиши ва касалликни жигар циррози босқичига ўтишида йўлбошчилик қилади.

1-жадвал.

СВГС, жигар циррози беморларда ва соғлом донорларда ўрганилаётган маркерларнинг полиморф генотипларини тақсимланиши

маркер	генотиплар	асосий гуруҳ		1 кичик гуруҳ		2 кичик гуруҳ		3 кичик гуруҳ		контрол гуруҳ	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
TNF- α	G/G	81	75,7	23	69,7	28	75,7	30	81,1	73	90,1
	G/A	18	16,8	6	18,2	7	18,9	5	13,5	6	7,4
	A/A	8	7,5	4	12,1	2	5,4	2	5,4	2	2,5
CTLA-4	A/A	27	25,2	4	12,1	11	29,7	12	32,4	26	32,1
	A/G	60	56,1	22	66,7	20	54,1	18	48,7	37	45,7
	G/G	20	18,7	7	21,2	6	16,2	7	18,9	18	22,2
CYP2E1	C/C	78	72,9	24	72,7	24	64,9	30	81,1	70	86,4
	C/G	25	23,4	7	21,2	12	32,4	6	16,2	11	13,6
	G/G	4	3,7	2	6,1	1	2,7	1	2,7	0,0	0
CYP2C9*2	C/C	79	73,8	20	60,6	31	83,8	28	75,7	61	75,3
	C/T	28	26,2	13	39,4	6	16,2	9	24,3	20	24,7
	T/T	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
CYP2C9*3	A/A	86	80,4	24	72,7	33	89,2	229	78,4	71	87,7
	A/C	21	19,6	9	27,3	4	10,8	8	21,6	10	12,3
	C/C	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
CYP3A4	A/A	93	86,9	27	81,8	32	86,5	34	91,9	77	95,1
	A/G	14	13,1	6	18,2	5	13,5	3	8,1	4	4,9
	G/G	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
CYP1A2	A/A	80	74,8	23	69,7	30	81,1	27	73,0	71	87,7
	A/C	25	23,3	10	30,3	7	18,9	8	21,6	10	12,3
	C/C	2	1,9	0,0	0,0	0,0	0,0	2	5,4	0,0	0,0

CYP2C9*2 ва CYP2C9*3 генларининг полиморфизми тақсимланиши гомозигот генотипнинг мутант тури йўқлиги билан таърифланади. CYP2C9*2 ва CYP2C9*3 генларининг гомозигот генотиби ёввойи тури иккинчи гуруҳда қайт этилди. Генлар мутант аллеллари уларнинг маҳсулотарини ферментатив фаолиги пасайишини таъминлайди, бироқ, СВГС ўрта фаол гуруҳлардаги беморларда CYP2C9*3 генининг полиморф варианти C минор аллели, CYP3A4 (A392G) гени полиморф варианти G аллели ва CYP1A2 (A164C) гени полиморф варианти юқори частотаси, яллиғланиш жараёнларнинг интенсивлиги сусайишида муҳим ўрин эгаллаган.

СВГС салбий кечган беморларда маълум аллеллар ва генотиплар тўпланиши полиморфизмнинг ушбу генетик вариантлари СВГС жадаллаша-

ётганидан, жигар оғир шикастланишининг ривожланишидан дарак берувчи маркер бўлиб ҳисобланиши мумкин ва касалликни оғир кечишини кўрсатади. Бошқа тарафдан олиб қараганда, полиморфизмининг генетик вариантлари касаллик ижобий кечган ҳолларда кўпроқ частота билан учрайди, жигарни оз даражада шикастланишидан дарак берувчи маркер бўлиши мумкин.

Илмий иш генофондда аллеллар частотаси асосида Харди-Вайнбергнинг тасодифан чатишаётган популяцияларда кутилаётган генотиплар частотаси полиморфизм генотипларини тақсимланиши қонунига асосан ҳисоблаб чиқиб TFN- α (G308A), CTLA-4 (A49G), CYP2E1 (C9896G), CYP2C9*2 (C430T), CYP2C9*3 (A1075C), CYP3A4 (A392G) ва CYP1A2 (A164C)га мувофиқлиги таҳлил қилинди.

Изланишларимизда деярли барча текширилувчи гуруҳ ва кичик гуруҳларда TFN- α ген полиморфизми мувозанат ҳолатдан оғанлигидан ва гетерозигот ҳолатидаги рецессив аллелларнинг уларга қарши қаратилган танлов амалларидан қочишига далолат берувчи гетерозигот (D манфий қиймати) ортиқлиги кузатилган; жигар циррози бўлган беморлар кичик гуруҳи ва назорат гуруҳида CTLA-4 ген полиморфизми; беморлар асосий гуруҳи ва назорат гуруҳида, ҳамда СВГС ўрта оғир фаол кичик гуруҳларда ва жигар циррозли беморлар кичик гуруҳларида CYP2E1 ген полиморфизми; жигар циррози бор беморлар кичик гуруҳларида CYP1A2 ген полиморфизми қайд этилган.

